



KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA
BANDLIK VAZIRLIGI XODIMLARINING
MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI

ISSN. 3060-4982

№ 3 (3), 2024

INSON KAPITALI VA MEHNATNI MUHOFAZA QILISH

ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

TOSHKENT – 2024

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI**

**KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI
XODIMLARINING MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI**

**ISSN. 3060-4982
№ 3 (3), 2024**

**"INSON KAPITALI VA MEHNATNI MUHOFAZA QILISH"
ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL**

**"ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ И ОХРАНА ТРУДА"
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЭЛЕКТРОННЫЙ
ЖУРНАЛ**

**"HUMAN CAPITAL AND OCCUPATIONAL SAFETY"
SCIENTIFIC AND PRACTICAL ELECTRONIC
JOURNAL**

TOSHKENT – 2024

*Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi
“Inson kapitali va mehnatni muhofaza qilish” ilmiy–amaliy elektron jurnal*

Bosh muharrir:
Raxmonov Abduxalil Xomitovich

Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi direktori

Bosh muharrir o‘rinbosari:
Nurmamatova Rahima Rahmanovna

Texnika fanlari doktori (DSc), professor – Mehnatni muhofaza qilish kafedrasi mudiri

Mas’ul kotiblar:
To‘xtaboyev Xayrullo Nosirovich

*S.f.f.d., (PhD),
Qadirov Ulug‘bek Baxtiyorovich,
T.f.f.d., (PhD), dotsent*

Texnik muharrir:
Amirqulov Zuhridin Nuriddin o‘g‘li

Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi kengashi kotibi, katta o‘qituvchi

TAHRIRIYAT HAY’ATI RAISI:

Abdurahmonov Qalandar Xodjaevich – O‘zbekiston Respublikasi Fanlar akademiyasi akademigi, iqtisod fanlari doktori, professor. Toshkentdag‘i G.V.Plexanov nomidagi Rossiya iqtisodiyot universiteti filiali direktori.

TAHRIRIYAT HAY’ATI A’ZOLARI:

B.T.Ibragimov – texnika fanlari doktori (DSc), professor
B.H.Umurzaqov – iqtisod fanlari doktori, professor
A.A.Baxodiroy – texnika fanlari doktori (DSc), professor
I.U.Madjidov – texnika fanlari doktori, professor
O.M.Yo‘ldosheva – texnika fanlari doktori, professor
B.B.Xasanov – texnika fanlari doktori, professor
Sh.E.Kurbanbayev – texnika fanlari doktori, professor
P.I.Ismailov – texnika fanlari doktori (DSc), professor
Q.M.Murtazayev – texnika fanlari doktori (DSc), dotsent
B.M.Toshev – yuridik fanlari doktori, professor
Y.B.Nazarov – yuridik fanlari doktori, professor ;
F.N.Nurqulov – texnika fanlari doktori (DSc) professor;
M.M.Xolmuxamedov – pedagogika fanlari doktori., professor;
O.R.Yuldashev – texnika fanlari nomzodi, professor;
O.D.Raximov – texnika fanlari nomzodi, professor;
X.L.Pulatov – kimyo fanlari doktori., professor;
R.A.Absalomov – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;
M.R.Doschanov – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) ;

J.G’.Rashidov – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;
G.I.Ishmurodova – pedagogika fanlari nomzodi;
R.X.Xodiyev – pedagogika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;
Sh.B.Imomov – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD);
X.G.Azimov – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD);
Z.M.Sattorov – texnika fanlari nomzodi, professor;
S.O.Turdiyev – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;
G.B.Abdieva – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;
R.Rajabbaev – fizika–matematika fanlari nomzodi, dotsent;
O.A.Djurayev – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD);
A.X.Abdullaev – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD);
K.M.Mirzaaxmedov – siyosiy fanlar doktori (DSc), dotsent;
Ж.С.Болиқулов – texnika fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD);

Jurnal ommaviy axborot vositasi sifatida O‘zbekiston matbuot va axborot agentligida ro‘yxatga olingan. Davlat ro‘yxatidan o‘tkazilganligi bo‘yicha 104355–raqamli guvohnoma berilgan.

O‘zbekiston Respublikasi Oliy ta’lim, fan innovatsiyalar vazirligi Oliy attestatsiya komissiyasi Rayosatining 2024-yil 30-noyabrdagi 364/5-sonli qarori bilan texnika fanlari bo‘yicha dissertatsiyalar asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan. Jurnalda maqolalar o‘zbek, rus va ingliz tillarida chop etiladi va yiliga to‘rt marotaba nashr etiladi.

© Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining malakasini oshirish markazi,
2024

© “Inson kapitali va mehnatni muhofaza qilish” ilmiy–amaliy elektron jurnal, 2024

C. 1652-1657.

18. Samaria F. Face Recognition Using Hidden Markov Models // PhD thesis, Engineering Department, Cambridge University, 1994.

УЎК 004.942.2:681.3.06

ШАХС ЎЗ ТАСВИРЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ АЛГОРИТМЛАРИ

М.М.Жалелова, Ж.А.Усаров (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мұхандислари институти” Миллий тадқиқот университети)

Аннотация: мазкур мақолада шахс ўз тасвирлари асосида таниб олиш тизимлари самарадорлигини баҳолаш учун турли архитектураларни таҳлили амалга оширилган бўлиб, унда ўрамли нейрон тармоқ (ЎНТ) ва Кохоненни ўзини ташкил этувчи харитаси (КўХ) асосидаги моделларни биргаликда қўллаш таклиф этилган ва уни таниб олишда юқори натижаларга эришганлиги аниқланган. Ҳисоблаш натижаларига кўра, КўХ ва ЎНТ архитектураси хатолик даражасини минимал 3.83% га тушириш имконини берган. Шунингдек, ишда синфдаги тасвирлар сонини ошириш таниб олиш самарадорлигини яхшилаши мумкинлиги кўрсатилган. Бунда синфдаги тасвирлар сони 5 тага етганида хатолик даражаси 7.5% гача камайганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижалари шахсларни таниб олиш тизимлар самарадорлигини ошириш ва архитектураларни оптималь тартибини танлаш бўйича муҳим тавсияларни тақдим этади. Шунингдек, мазкур тадқиқот иши келгусида ўз тасвирлари асосидаги биометрик тизимларни ривожлантиришда асос бўлиб хизмат қиласди.

Калит сўзлар: Шахсни таниб олиш, ўз тасвирлари, ўрамли нейрон тармоқ (ЎНТ), Кохоненни ўзини ташкил этувчи харитаси (КўХ), биометрик тизимлар, алгоритмлар, хатолик даражаси.

Аннотация: в данной статье был проведен анализ различных архитектур для оценки эффективности систем распознавания личности на основе изображений лиц, где было предложено совместное использование моделей на основе пакеточной нейронной сети (ПНС) и самоорганизующейся карты Кохонена (МКК), и было установлено, что она достигла высоких результатов в ее распознавании. Результаты расчетов показали, что архитектура СОН и СНС позволила снизить уровень ошибки до минимума 3,83%. Также в работе показано, что увеличение количества изображений в классе может улучшить эффективность распознавания. При этом установлено, что при увеличении количества изображений в классе до 5, степень ошибки снизилась до 7,5%.

Результаты исследования дают важные рекомендации по повышению эффективности систем распознавания лиц и выбору оптимального порядка архитектур. Также данная исследовательская работа послужит основой для

дальнейшего развития биометрических систем на основе изображений лиц.

Ключевые слова: распознавание личности, изображения лиц, нейронная сеть с витками (НСВ), карта самоорганизации Кохонена (КОХ), биометрические системы, алгоритмы, степень ошибки.

Annotation: In this paper, various architectures were analyzed to evaluate the performance of face image-based personality recognition systems, where the combined use of models based on the packing neural network (PNN) and the Kohonen self-organizing map (KSM) was proposed, and it was found that it achieved high results in its recognition. The calculation results showed that the architecture of the SOM and CNN made it possible to reduce the error rate to a minimum of 3.83%. The work also showed that increasing the number of images in a class can improve the recognition performance. At the same time, it was found that with an increase in the number of images in a class to 5, the error rate decreased to 7.5%.

The results of the study provide important recommendations for improving the performance of face recognition systems and choosing the optimal order of architectures. Also, this research work will serve as a basis for further development of biometric systems based on face images.

Keywords: personality recognition, face images, neural network with coils (NNW), Kohonen self-organizing map (КОН), biometric systems, algorithms, error rate.

Кириш

Шахсни юз тасвири асосида таниб олиш биометрик тизимлар орасида энг самарали ва кенг тарқалган усуллардан бири ҳисобланади [1]. У нафақат хавфсизлик соҳасида, балки турли инсон фаолияти соҳаларида, жумладан, тиббиёт, ижтимоий мониторинг ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш каби соҳаларда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда [2]. Юз тасвирлари асосида шахсни таниб олишни асосий муаммоларига тизимлар ишончлилигини ошириш, хатолик даражасини камайтириш ҳамда ишлаш тезлигини оптималлаштириш киради.

Сўнгти йилларда ўрамли нейрон тармоқлар (ЎНТ) ва бошқа сунъий интеллект технологияларини жадал суъратларда ривожланиши мазкур муаммоларни самарали ечиш имконини берди. Ўрамли нейрон тармоқлар тасвирларни қайта ишлаш, уларни таҳлил қилиш ва таниб олиш соҳаларида юқори натижаларга эришишда кенг қўлланилмоқда [3]. Бу технологияларни асосий ютуғи уларни инсон кўришига яқинлашган моделлаштириш қобилияти ва турли архитектураларни қўллаш имкониятидир.

Мазкур тадқиқотда шахсни таниб олиш тизимлари учун турли архитектуралар самарадорлигини таҳлил қилиш мақсад қилинган бўлиб, унда ҳар бир архитектура бўйича ўрамли нейрон тармоқларни ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган ҳамда уларни хатолик даражалари ва ишлаш тезлиги баҳоланган.

Тасвирларни таниб олиш усули дастлабки тасвирни алгоритм учун бошланғич кўринишига келтириш, яъни дастлабки ишлов бериш [4-6], сегментлаш [7,8] ва математик алмаштириш ва умумлаштириш механизми, таққослаш, тасвир белгиларини таснифлаш [9] ва қарор қабул қилиш

процедураларини қамраб олиши мумкин. Тасвирни янада яхши таниб олиш мақсадида тасвир ноинформатив компонентларидан қутилиш учун ишлов беришни бир нечта босқичлари амалга оширилиши мумкин. Босқичлар тасвиридан юзни аниқлаш, тасвирни буриш, масштаблаш, соҳани ажратиш, ёрқинлик хусусиятларини түғрилаш ва таниб олишни навбатдаги жараёни учун зарур ахборотларни ажратиб олиш кабилар бўлиши мумкин.

Методлар

Сунъий нейрон тармоқларларга (СНТ) асосланган тимсолларни таниб олиш тизимлари олдиндан шакллантирилган информатив белгилар ёки тўғридан-тўғри киравчи сигналлар асосида таниб олиш тизимлари синфларига ажратилади.


Тўғридан-тўғри киравчи сигналлар асосида таниб олиш тизимларида СНТ информатив белгиларни яширин ҳолда тармоқ ичида шакллантиради. Бу эса унга ўхшаш тизимларни тушунишни мураккаблаштириб юборади. Шунинг учун олдиндан шакллантирилган информатив белгилар асосида таниб олиш тизимлари нисбатан кенг тарқалган.

Хозирги кунда тўғридан-тўғри киравчи сигналлар асосида таниб олишда сунъий нейрон тармоқлардан фойдаланишга асосланган кўплаб тизимлар ишлаб чиқилмоқда. Бундай тизимларни қуриш бўйича қизиқарли ишлар [10, 11] ишларда амалга оширилган бўлиб, унда тизим учун қуйидаги тузилма таклиф этилган ва ҳар бир модулни таниб олиш аниқлигига таъсир қўрсатиш даражаси тадқиқ этилган (1-расм).



1-расм. Юзни таниб олиш тизими блок-схемаси

Танланма модулида тасвир локал шаблонига асосланган икки хил усулида баҳолаш амалга оширилган бўлиб, ҳар икки усулда ҳам ойна тасвир бўйича силжитилган (2-расм).



2-расм. Локал шаблонни яратиш жараёни

Биринчи усул ойнани ҳар бир нуқтаси интенсивлиги қийматидан фойдаланиб, тасвир локал ойнасидаги танлама асосида маълумотлар векторини шакллантиради.

Фараз қиласи, X_{ij} берилган тасвирни i -устун ва j -сатрида жойлашган

нуқта интенсивлиги бўлсин. Агар жорий ойна квадрат ёки томонлари узунлиги $2W + 1$ бўлиб, маркази X_{ij} нуқтада жойлашган бўлса, у ҳолда маълумотлар вектори қўйидагича олинади:

$$[Xi - W, j - W, Xi - W, j - W + 1, \dots, Xi, j, \dots, Xi + W, j + W - 1, Xi + W, j + W].$$

Иккинчи усул эса квадрат ойнада X_{ij} марказий нуқта интенсивлиги ва бу интенсивлик билан ойнадаги барча нуқталар интенсивликлари фарки асосида чиқувчи векторни шакллантириш орқали локал шаблон кўринишини яратади ва у қўйидаги кўринишда шакллантирилади.

$[Xi, j - X, -W, j - W, Xij - Xi - W, j - W + 1, \dots, w_{ij}Xij, \dots, Xij - Xi + W, j + W - 1, Xij - Xi + W, j + W]$
Мазкур усулда ифодаланиш натижаси тўлиқ шаблон интенсивлигидаги ўзгаришларга нисбатан қисман сезгир бўлмайди. Бироқ, бу интенсивлик даражаси марказий компонент интенсивлиги билан боғлиқ бўлган w_{ij} вазни киритиш орқали созланиши мумкин.

Тасвир ўлчамини камайтиришда қўйидаги алгоритмлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитаси. Мазкур алгоритм R_n кирувчи тўпламдан кичик ўлчамли фазода топологик аниқланган тугунлар тўплами хариталарини аниқлайди. Бунда ҳар бир тугун икки вектор, яъни кирувчи маълумотлар билан бир хил ўлчамда бўлган m_i вазнлар ва тугунларни харитадаги координаталари вектори орқали тавсифланади.

Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитаси икки ўлчамли ҳоли 3-расмда келтирилган бўлиб, унда $h_{ci}(t)$ бошланғич қийматли ва вақт ўтиши билан $h_{ci}(t3)$ ўлчамгача қисқартирувчи квадратик аппроксимацияловчи функция натижаси кўрсатиб ўтилган. Кирувчи тўпламда m_i вектор-ҳавола Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитасининг ҳар бир тугунига боғланган бўлади, яъни

$$m_i \equiv [\mu_{i1}, \mu_{i2}, \dots, \mu_{in}]^T \in R^n,$$

Ўқитиш жараёнида ҳар бир x кирувчи вектор барча m_i вектор-ҳавола билан таққосланади. Бу орқали энг яқин бўлган m_c жойлашув қўйидагича аниқланади: $|x - m_c| = \min_i \{|x - m_i|\}$.

Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитасидаги тугунлар қўйидаги формула орқали қайта ҳисобланади:

$$m_i(t+1) = m_i(t) + h_{ci}(t)[x(t) - m_i(t)],$$


бу ерда t ўқитиш жараёнида сарфланган вақт, $h_{ci}(t)$ - «яқинлик функция»си, яъни максумуми m_c да аниқланувчи силлиқловчи функция.

Одатда $h_{ci}(t)$ функция қўйидагича аниқланади: $h_{ci}(t) = h(|r_c - r_i|, t)$ бу ерда r_c ва r_i чикувчи Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитасидаги тугунлар ҳолатини ифодалайди. r_c - кирувчи шаблонга нисбатан яқин вазн векторига эга тугун r_i - барча тугунлар бўйича ҳаракатланади. $|r_c - r_i|$ ўсуви бўлганда $h_{ci}(t)$ нолга,

т эса чексизликка интилади. Энг яхши яқинлаштурувчи функция сифатида куйидаги функциядан фойдаланиш тавсия этилади.

$$h_{ci} = \alpha(t) \exp\left(-\frac{|r_c - r_i|^2}{2\sigma^2(t)}\right),$$

бу ерда $\alpha(t)$ - ўқитилиш коэффициенти, $\sigma(t)$ қатор узунлиги бўлиб, одатда улар вақт ўтиши билан монотон камаяди. Аппроксимацияловчи функциядан фойдаланиш “ғолиб” тугун жойлашувига Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитаси тузилмасида жойлашган тугунлар мос келишини билдиради ва бу харитани глобал ташкил этиш имконини таъминловчи силлиқлаш самарасини беради. Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитаси эҳтимолликлар зичлигини ночизиқли проекцияси кўринишида ҳам ифодаланиши мумкин [12, 13].



3-расм. Кохонен ўзини ташкил этувчи харитаси икки ўлчамли ҳоли

Иккинчи усулдан кирувчи маълумотлар ўлчамини камайтириш мақсадида фойдаланилган бўлиб, унда Кархунен-Лоев алмаштириши (КЛА) қўлланилган. Бошланғич маълумотлар ортиқчалигидан кутилишни оптималь чизиқли усули КЛА ёки хос векторларни БКУ орқали кенгайтириш ҳисобланади. БКУ кирувчи маълумотлар тақсимотида маълумотлар тарқоқлигини камайтириш мақсадида бош компоненталар ёки хос векторлар деб аталувчи проекцияларни ортогонал ўқлари тўпламини шакллантиради.

КЛА эса кўп ўлчовли маълумотлар проекциялари ва хусусиятларни ажратишни энг машҳур статистик усулларидан бири ҳисобланади ва у тимсолларни таниб олиш, сигналларни қайта ишлаш ва маълумотларни таҳлил қилишда кенг қўлланилади.

Мазкур усулда кирувчи n -ўлчовли фазодаги нуқталар m -ўлчовли ($m \leq n$) фазога проекцияланади. Мазкур ишда тасвиirlарни локал кузатиш ўлчамини камайтириш ва КЛАдан Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитаси усули билан таққослаш мақсадида фойдаланилади. Бундан ташқари, КЛА Eigen Faces технологияларидан ҳам кенг фойдаланади. Асосий хусусиятларни ажратиш ва тасвиirlарни таснифлашда ўрамли нейрон тармоқлардан фойдаланиш кутилган натижаларни олиш имконини беради.

Одатда икки ўлчамли тасвиirlарда юзни таниб олиш масаласи унчалик коррект ҳисобланмайди. Чунки ўқитилувчи нуқталарга мос келувчи кўплаб моделлар мавжуд, бироқ янги тасвиirlар учун уларни умумийлаштириб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, кирувчи тўпламда синфларга аниқ ажратишни кафолатлаши учун кирувчи тасвиirlар фазосида шакллантирилган

ўқитилувчи нұқталар етарли бўлмайди. Кирувчи маълумот сифатида икки ўлчамли тасвиirlарни қабул қилувчи КҚНТлар билан тўлдиришда локал деформацияларга нисбатан сезгирилик мавжуд бўлмайди.

Ўрамли нейрон тармоқлар эса бу чекловларни инобатта олади ва локал таъсир этувчи майдон, тақсимлаган вазнлар ва фазовий қисм танламалар ғояларига таняянган ҳолда маълум даражада деформацияларга нисбатан инвариантликка эришади.

Тақсимлаган вазнлар умумийлатиришни кўллаш тизимларида параметрлар сонини камайтириш имконини беради. Бундан ташқари, ўрамли нейрон тармоқлар белгиларни таниб олишда самарали кўлланилган. Одатда тармоқ бир ёки бир нечта матрицали қатламлар тўпламидан иборат бўлади. Марказлаштирилган ва нормаллаштирилган тасвиир кирувчи қатламга узатилади ва жорий матрицанинг ҳар бир элементи олдинги қатлам матрицаси элементини кичик атрофини қабул қиласи. Матрица учун таъсир майдонини шакллантирувчи вазнлар матрицанинг ҳар бир нұқтасида тенг деб олинади.

Ҳар бир матрица олдинги қатламда тимсолдан олинган локал ойнани қисқартирувчи фиксиранган чегара детекторига эга бўлган чегара харитаси кўринишида ифодаланиши мумкин. Катта сондаги чизикларни таниб олиш учун ҳар бир қатламда кўп тимсолли матрицалардан фойдаланилади ва уларга мос қатламлар ўрамли қатламлар деб аталади. Хусусият аниқланиши билан унинг жойлашуви ҳақидаги аниқ маълумот ҳам унчалик аҳамиятли бўлмайди. Одатда ўрамли қатламлар тақсимлаш ва чиқариш амалларини бажарувчи қатламлар билан бойитилади ва улар ўрамли қатламдан кейин жойлаштирилади. Тармоқ градиентли тушиш усули асосида қайта алоқали ўқитувчисиз одатий ўқитиш орқали ўқитилади. Боғланишлар стратегиясидан тармоқдаги вазнлар сонини камайтиришда фойдаланилади [11, 14]. Юқорида келтирилган ёндашувларга асосланган шахсни юз тасвири асосида таниб олиш тизими архитектураси [15] ишда таклиф этилган бўлиб, у куйидаги тартибда амалга оширилади (4-расм).



4-расм. Шахсни юз тасвири асосида таниб олиш тизими архитектураси
Ўкув танлама тасвиirlарида ($n \times n, n = 5$) фиксерланган ўлчамдаги ойна берилган тасвиир бўйича ҳаракатлантирилади ва ҳар бир қадамда локал кузатувлар ажратилади. Бунда қадам узунлиги m ($m = 4$) пикселни ташкил этади. Ўзини ташкил этувчи харита олдинги қадамда шакллантирилган векторлар асосида ўқитилади. Бунда харита 3 ўлчовли ва ҳар бир ўлчам учун 5 тадан тугун олинган

бўлиб, жами $5^3 = 125$ та тугунни ташкил этади. Кохоненнинг ўзини ташкил этувчи харитаси 25 ўлчамли киравчи векторни 125 та топологиклик шартли қийматларга квантлайди ва унинг уч ўлчови 3 та хусусият сифатида қаралади. Кохоненнинг ўзини ташкил этувчи харитасини Кархунен- Лоэв алматириши билан алмаштириб ўтказилган тажрибада КЛА 25 ўлчамли фазодаги векторни 3 ўлчамли фазо векторига ўтказилган. Бунда ойна ўлчами ўзгартирилмаган ва биринчи қадамда ойнадан ўкув ва назорат танланманинг барча тасвирлари ўтказилади. Тасвирни локал қўринишлари ҳар бир қадамда Кохоненнинг ўзини ташкил этувчи харитаси орқали узатилади ва унда ўз-ўзини ташкил қилувчи хариталар орқали яратилган чиқувчи тўпламда янги ўкув ва назорат гурухлари шакллантирилади. Ҳар бир киравчи тасвир Кохоненнинг ўзини ташкил этувчи харита ўлчамига жавоб берувчи учта карта орқали ифодаланади ва уларни ўлчами киравчи тасвирни ажратувчи қадам ўлчамига teng, яъни — 92×112 . Фойдаланилган ўрамли нейрон тармоқ архитектураси 5-расмда келтирилган бўлиб, у ва кўп қатламли стандарт персепtron ҳам бу икки тармоқни солишириш мақсадида яратилган ўкув танланмада ўқитилган. Ўрамли нейрон тармоқ кетма-кет келувчи ўрамли ва субдискретлаш қатламлардан иборат бўлиб, унда киравчи тасвир бирор бир ўрамлаш ядроси орқали ўрамлашдан ўтказилади ва у қуидаги формула асосида амалга оширилади.

$$C\{n\}(i, j) = F \left[\sum_{k=1}^{ks} \sum_{l=1}^{ls} K\{n\}(k, l) - S(i-k, j-l) + B(n) \right],$$

бу ерда С-ўрам натижаси, n – қатлам рақами, i, j-белгилар харитасида элемент жойлашувини билдирувчи индекслар, F – тўйиниши функцияси k, l – ўрам ядроси матрицасидаги элемент жойлашувини билдирувчи индекслар, ks, ls – ўрам ядроси ўлчами, K- ўрам ядроси, S – киравчи тасвир, B – силжиш матрицаси.



Кириш Ўрамли ва субдискретлаш қатламлар

Чиқиш катлами

5-расм. Юзни таниб олиш учун нейрон тармоқ архитектураси

Ўрам ядроси тақсимловчи вазн коэффициентлари тўпламидан иборат бўлиб, ўрам амали натижаси белгилар харитаси деб аталувчи қандайдир тасвирдан иборат бўлади. Танланган ўрам ядросига боғлиқ ҳолда белгилар харитаси киравчи тасвирни мос хусусиятларини ажратиш имконини беради. Киравчи тасвирни нисбатан тўлиқ хусусиятларини ажратиш мақсадида ўрамли қатлам чиқишида бир нечта белгилар харитасини ҳосил қиласиган турли ўрам ядроларидан фойдаланилади. Ўрамли қатламдан сўнг белгилар харитаси ўлчамини камайтириш иимконини берувчи ўртачалаштириш ва субдискретлаш қатламлари келади. Бу қатламлар силжиш ва бурилишларга нисбатан чиқишлиар сезгирилигини камайтиради [11].

Ўрамли нейрон тармоқ киравчи қатламдан ташқари бешта қатламдан иборат бўлиб, ҳар бир тасниф учун ишончлилик даражаси y_m ($y_m - y_{2m}$) хисобланади. Бунда y_m — максимал чиқиш, y_{2m} — иккинчи максимал чиқиш.

Тажриба ва натижалар

Мазкур тадқиқотда шахсни юз тасвири асосида таниб олиш тизимлари турли архитектуралари таҳлил қилиш ва уларни самарадорлигини баҳолаш учун қуидаги ишлар амалга оширилган:

1. Тизим архитектураларини танлаш ва моделлаштириш

Шахсни таниб олиш тизимларини турли архитектуралари, жумладан, КўХ, КЛА, Eigenfaces ва ўрамли нейрон тармоқлар асосида ишланган моделлар танланган.

2. Дастрлабки маълумотларни тайёрлаш

Тадқиқотда ORL юз тасвиrlари базаси фойдаланилган. База 40 нафар шахсни юз тасвиrlарини ўз ичига олган бўлиб, ҳар бир шахс учун 10 та тасвир мавжуд. Тасвиrlар олдиндан қайта ишланиб, ўлчами стандартлаштирилган ва маълумотлар нормаллаштирилган.

3. Ўрамли нейрон тармоқлар архитектурасини ишлаб чиқиш

Ўрамли нейрон тармоқлар бешта асосий қатламдан иборат бўлиб, ҳар бир қатлам параметрлари, шу жумладан, нейронлар сони, боғламлар фоизи, таъсир этувчи майдон ўлчами ва матрицалар сони маҳсус моделлаштирилган. Қуидаги жадвалда ушбу параметрлар тафсилоти келтирилган.

1-жадвал

Ўрамли нейрон тармоқ учун ўлчамлар

Қатлам	Типи	Элементлар	X	Y	Таъсирланувчи майдон x	Таъсирланувчи майдон y	Боғламла р фоизи*
1	Ўрамли	20	21	26	3	3	100
2	Боғловчи	20	11	13	2	2	-
3	Ўрамли	25	9	11	3	3	30
4	Боғловчи	25	5	6	2	2	-
5	Тўлиқ боғланган	40	1	1	5	6	100

*) Боғламлар фоизи – жорий қатламда боғланган ҳар бир нейронни аввалги қатламдаги тугунлари сони

4. Тармоқни ўқитилиши

Тармоқ тескари алоқа алгоритми асосида 20000 қадамда ўқитилган бўлиб, унинг вазнлари тасодифий тақдим этишдан сўнг янгилангандан барча чиқувчи қийматлар $[-1, 1]$ оралиққа нормаллаштирилган.

Тармоқ параметрларини бошланғич қийматларини ўрнатиш учун 10 та тасодифий вазнлар тўпламидан энг яхшиси олинган. Тугунларда вазнлар

($-2.4/F_i$, $2.4/F_i$) оралиғдаги тасодифий сонлар билан үрнатилған, бу ерда F_i - i-нейрон кириши билан боғланиш коэффициенти.

$$\eta = \frac{\eta_0}{\frac{n}{N/2} + \frac{c_1}{\max\left(1, \left(c_1 - \frac{\max(0, c_1(n - c_2 N))}{(1 - c_2)^N}\right)\right)}}$$

бу ерда N — ўқитиш умумий эпохалари сони, n — жорий эпоха, $c1 = 50$, $c2 = 0.65$.

5. Турли архитектуралар самарадорлигини баҳолаш

Шахсни юз тасвири асосида таниб олиш тизимлари турли архитектуралари солишиштірма натижалари 2-жадвалда келтирилған [16].

2-жадвал

Турли архитектуралы тизимларни таниб олиши хатоликлари

№	Тизим архитектураси	Таниб олишни ўртача хатолиги
1	Кохонен харитаси ўлчами 1\2\3\4	8.25\6.75\5.75\5.83%
2	Кохоненнинг ўзини ташкил этувчи харитасида тугунлар сони 4\6\8\10	8.5\6\3.83\ 4.16%
3	Тасвиirlар танланмаси ўзгартыриш алгоритми (1-алгоритм\2-алгоритм)	5.75\7.17%
4	Кархунен-Лоэв алгоритми орқали Кохоненнинг ўзини ташкил этувчи харитасини алмаштириш	5.33
5	Тизимнинг оптималь тузилмаси (3-ўлчовли Кохоненнинг ўзини ташкил этувчи харитаси, 8 тугунли ўлчаш, 1-алгоритм бўйича танланма, таниб олиш учун ўрамли нейрон тармоқ)	3.83%
6	Ўрамли нейрон тармоқни кўп ўлчамли перцептрон билан алмаштириш	5.85%

6. Танланган тизимни оптималлаштириш

Оптималь архитектуралы тизим хусусиятлари билан машхур тизимлар хусусиятларини таққослаш натижалари 3-жадвалда ва ҳар бир синфда тасвиirlар сони ўзгартырилғандаги олингандар 4-жадвалда келтирилған [11].

3-жадвал

Юзни таниб олиш тизимларини таққослаш натижалари

Тизим	Таниб олиш хатолиги	Таниб олиш вақти
Хос юз (eigenfaces)	10.6%	Номаълум
Псевдо икки ўлчамли	5,2%	Sun ва Sparc IIда 240 сек
Ўрамли нейрон тармоқни кўп ўлчамли перцептрон билан алмаштириш	3.82%	SGI Indy MIPS R4400 100Mhzда <0.5 сек

4-жадвал

Синфдаги тасвиirlар сонини таниб олиш хатолигига боғлиқликлиги

Битта шахс тасвиirlари сони	1	2	3	4	5
Eigenfaces – ҳар бир синф учун ўртача	38.6	28.8	28.9	27.1	26
Eigenfaces – ҳар бир тасвир учун	38.6	20.9	18.2	15.4	10.5
БКУ+ўрамли нейрон тармоқ	34.2	17.2	13.2	12.1	7.5
Кохоненning ўзини ташкил этувчи харитаси+ ўрамли нейрон тармоқ	30.0	17.0	11.8	7.1	3.8

ORL юз тасвиirlари базасида тизим натижалари қўйидаги расмда келтирилган.



6-расм. Назорат танламадан намуналар
Хулоса

Мазкур тадқиқот ишида юз тасвиirlари асосида шахсларни таниб олиш тизимлар самарадорлиги турли архитектуралар орқали баҳоланди. Тадқиқот натижаларидан қўйидаги хулосалар олинди:

- ўрамли нейрон тармоқ ва Кохоненни ўзини ташкил этувчи харитаси қўшилган архитектура энг самарали моделлардан бири сифатида аниqlанди. Бунда таниб олиш хатолигини минимал даражаси 3.83% га камайгани келтирилди;
- eigenfaces ва кўп ўлчамли перцентронлар усувлари юқори хатолик даражалари ва катта ҳисоблаш вақтларига эга эканлиги аниqlанди;
- синфдаги тасвиirlар сонини ошиши таниб олиш самарадорлигини яхшилаши мумкинлиги кўрсатилди. Бунда синфдаги тасвиirlар сони 5 тага етганида

- хатолик даражаси 7.5% гача камайгани аниқланди;
- тизимлар самарадорлигини ошириш учун архитектураларни оптималь тартибини танлаш зарурлиги эътироф этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. N. Mamatov, A. Samijonov, N. Niyoziyatova, B. Samijonov, K. Erejepov, and O. Jamalov, In 2023 19th International Asian School-Seminar on Optimization Problems of Complex Systems (OPCS) 59 (2023).
2. Маматов, Н., Раҳмонов, Э., Самижонов, А., Жалелова, М., & Самижонов, Б. (2023). Тасвирдаги микроскопик обьектларни таниб олиш алгоритмлари. Евразийский журнал математической теории и компьютерных наук, 3(11), 7-13.
3. Bryliuk D., Starovoitov V. Application of Recirculation Neural Network and Principal Component Analysis for Face Recognition // The 2nd International Conference on Neural Networks and Artificial Intelligence, - Minsk, BSUIR, 2001, pp.136-142.
4. Mamatov, N. S., Niyoziyatova, N. A., Jalelova, M. M., Samijonov, A. N., & Tojiboyeva, S. X. (2023). Methods for improving contrast of agricultural images. In E3S Web of Conferences (Vol. 401, p. 04020). EDP Sciences. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202340104020>
5. Mamatov, N. S., Pulatov, G. G., & Jalelova, M. M. (2023). Image contrast enhancement method and contrast evaluation criteria optimal pair. Digital Transformation and Artificial Intelligence, 1(2). <https://dtai.tsue.uz/index.php/dtai/article/view/v1i225/v1i225>
6. Mamatov, N. S., Jalelova, M. M., Samijonov, A. N., & Samijonov, B. N. (2024, February). Algorithm for improving the quality of mixed noisy images. In Journal of Physics: Conference Series (Vol. 2697, No. 1, p. 012013). IOP Publishing. <https://doi.org/10.1088/1742-6596/2697/1/012013>
7. Solidjonovich, M. N., Qizi, J. M. M., Qizi, T. S. X., & O'G'Li, S. B. N. (2023). Sun'iy yo'ldoshdan olingan tasvirdagi dala maydoni chegaralarini aniqlash usullari. Al-Farg'oniy avlodlari, 1(4), 177-181.
8. Mamatov, N., Jalelova, M., Samijonov, B., & Samijonov, A. (2024). Algorithms for contour detection in agricultural images. In E3S Web of Conferences (Vol. 486, p. 03017). EDP Sciences. <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202448603017>
9. Niyoziyatova, N. A., Mamatov, N., Samijonov, A., Rahmonov, E., & Juraev, S. (2020, September). Method for selecting informative and non-informative features. In IOP Conference Series: Materials Science and Engineering (Vol. 919, No. 4, p. 042013). IOP Publishing.
10. Нейрокомпьютеры: архитектура и схемотехника.// http://www.chipnews.ru/html.cgi/arhiv/01_01/24.htm.
11. Осовский С. Нейронные сети для обработки информации// — М.: Финансы и статистика, 2012
12. Eickeler S., Muller S., Rigoll G. Recognition of JPEG Compressed Face Images Based on Statistical Methods // Gerhard-Mercator-University Duisburg, Germany, 1999, - 17 p.

13. Hao Wu, Yunqiang Chen, Tong Fang. Coupled Bayesian framework for dual energy image registration // Proc. IEEE Computer Society Conference on Computer Vision and Pattern Recognition, 2006, Vol. 2, pp. 2475–2482.

14. Головко В.А. Нейроинтеллект: Теория и применения. Книга 2. Самоорганизация, отказоустойчивость и применение нейронных сетей. //Беларусь, - Брест: БПИ, 1999, - 228с

15. Пентланд А.С., Чандхари Т. Распознавание лиц для интеллектуальных сред // Открытые системы, <http://www.osp.ru/os>.

16. Вапник В.Н., Червоненкис А.Я. Теория распознавания образов. – М.: Наука, 1974. – 416 с.

УЎК 621.316.933:621.643.2

ЗИЛЗИЛАЛАР ОҚИБАТИДА ТАБИЙ ГАЗ УЗАТИШ ТИЗИМИДАГИ АВАРИЯЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ВА ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИКГА ЭРИШИШ.

**Т.ф.ф.д. (PhD) Ахраров Бобирходжа Баходирович (И.Каримов номидаги
Тошкент давлат техника университети)**

Аннотация: одам – яшаш мұхити ва ҳавф даражаси ҳавфли омилнинг таҳдиidi ва тизимиning шикастланиши юзага келиши сифатида белгиланади. Ҳар қандай даражада (худудий, маҳаллий, шунингдек «одам – яшаш мұхити» тизими доирасида) зилзила ҳавфни ўрганишнинг умумий схемаси қуйидаги кўринишдаги кетма – кетликда амалга оширилади: яъни, сейсмик ҳавфни аниқлаш ва олдиндан башорат қилиш; аҳоли ва иқтисодиёт объектларининг зарарланишини таркибий қисмлар бўйича баҳолаш; дифференциал ва интеграл йўқотишларни таҳлил қилиш зилзила ҳавфни бошқариш бўйича чора – тадбирларни ишлаб чиқиши.

Калит сўзлар: зилзила, сейсмология, камунал- энергетик тармоқлар, авариялар, сейсмик районлаштириш, башорат, фаол зона, сейсмик риск, ёнғинлар.

Аннотация: Масштаб сейсмического риска в районе крупного города тесно связан с уязвимостью общества и экономическим ущербом. В условиях большого города, как город Ташкент с развитой коммунально-энергетической сетью (КЭС), при реализации сейсмического риска размер экономического ущерба огромен. В среднем в половине зданий, частично разрушенных и обвалившихся, возможно возникновение пожаров. Причинами возникновения пожаров являются короткие замыкания в сетях электроснабжения и утечки газа из-за нарушений герметичности системы газоснабжений зданий различного назначения (жилых и т.д.).

	Ф.Ф.Хамидуллаев, Д.Даминова		
29.	Р.Р. Нурмаматова, О.А. Джураев	Иқтисодиёт тармоқларида технологик жараёнларнинг портлаш хавфини камайтириш чора-тадбирлари	173
30.	О.М. Yo'ldosheva, N.Muqimov, F.F.Xamidullayev	Mahsus himoya kiyimining issiqqlikdan himoya qilish qobiliyatini baholash bo'yicha tajriba tadqiqotlari	179
31.	Г.М. Гуломова, М.Б.Арипходжаева, Т.А. Абдувалиев, О.Т.Файзуллаев	Экологические и технологические аспекты угольной промышленности: адсорбционные свойства активированного угля и перспективы минимизации ущерба	185
32.	S. S. Shamansurov, G.M. Gulamova, M.B. Barotov	O'zbekiston respublikasi tog'li hududlarida iqlim o'zgarishi natijasidagi sel va suv toshqinlarining tahlili	192
33.	Н.М.Джумаев	Сел хавфини баҳолашнинг концептуал ва услубий асослари	198
34.	G.I. Ishmuradova	Texnologiya darslarini integratsiyalashgan yondashuv asosida takomillashtirish yo'llari	208
35.	О.Р. Юлдашев, А.Ж. Курбонов	Ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисаларни текшириш ва жароҳатланиш кўрсаткичларини аниқлаш	217
36.	Б.Т. Ибрагимов, Ў.С.Турдиев, З.Р. Илашов	Энергия иншоотлари биноларида ёнғинларни бартараф қилиш қилиш усули	223
37.	Ў.С. Турдиев, З.Р. Илашов	Энергетика объектдари биноларида ёнғинларни тарқалишини олдини олиш учун куч ва воситаларнинг етарлилигини ва меҳнат хавфсизлигини баҳолаш методикаси	230
38.	Ш. Убайдуллаев, Б. Мадаминов	Оловбардош ва иссиқлик изоляцияловчи деворбоп курилиш материалларини олиш усулларини такомиллаштириш	241
39.	Ш. Убайдуллаев, Б. Мадаминов	Курилиш материалларининг иссиқлик изоляцияловчи ва олавбардош турларини олишда кенг қўлланиладиган хомашёларнинг асосий хусусиятлари	247
40.	М.М. Жалелова, В.О.Файзиев	Таниб олиш усулларини алгоритмик хусусиятлари бўйича таснифланиши	252
41.	М.М. Жалелова, Ж.А.Усаров	Шахс юз тасвирларини таснифлаш алгоритмлари	267
42.	Б.Б. Ахраров	Зилзилалар оқибатидаги табиий газ узатиш тизимидағи аварияларни олдини олиш ва иқтисодий самарадорликга эришиш	278

KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH VA BANDLIK VAZIRLIGI
XODIMLARINING MALAKASINI OSHIRISH MARKAZI

"INSON KAPITALI VA MEHNATNI MUHOFAZA QILISH"
ILMIY-AMALIY ELEKTRON
JURNAL

"ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ КАПИТАЛ И ОХРАНА ТРУДА"
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИЙ ЭЛЕКТРОННЫЙ
ЖУРНАЛ

"HUMAN CAPITAL AND OCCUPATIONAL SAFETY"
SCIENTIFIC AND PRACTICAL ELECTRONIC
JOURNAL

Bosh muharrir:
A.X.Raxmonov

Bosh muharrir o‘rinbosari:
R.R.Nurmamatova

Mas’ul kotib:
X.N.To‘xtaboyev,
U.B.Qadirov

Manzil: 100102, Toshkent shahri,
Yangihayot tumani, Lutfikor ko‘chasi 33-uy.
Tayyorlandi 18.12.2024-y.
Bichimi A4 1/2. Tayms garniturasi.
Elektron jurnal.

© O‘zbekiston Respublikasi Kambag‘allikni qisqartirish va bandlik vazirligi xodimlarining
malakasini oshirish markazi